

# Телевизион санъатда янги ланиш ва жанрлар экспансияси

Олтиной Тожибоева  
ЎзДСМИ

**Аннотация:** Мақолада телевидениенинг ижтимоийлик хусусияти, сўнгги йилларда кечаётган янги ланиш жараёнлари борасида фикр юритилган. Телеканалларнинг кўпайиши ва жанрлар экспансияси миллий телевидение ўзгаришларига таъсири, ижтимоий роли ва мавқеи борасида сўнгги йиллардаги изланишларнинг ўзига хослиги каби масалалар мушоҳада этилган.

**Калит сўзлар:** телевизион санъат, экспансия, жанр, бадий хусусият, ўзига хослик

## Renewal and expansion of genres in television art

Oltinoy Tojiboeva  
UzSIAC

**Abstract:** The article deals with the social nature of television and the renewal processes that have taken place in recent years. Issues such as the impact of an increase in the number of newly created TV channels and the expansion of genres, new creative research on changes in national television are considered.

**Keywords:** television art, expansion, genre, artistic feature, originality

Телевидение - миллионлар минбари. Шу боисдан ҳам у инсон онги, салоҳияти, маданияти, ижтимоий ҳаётига таъсир кўрсатиш қудратига кўра бошқа санъат турларига нисбатан катта имкониятга эга. Бунинг омиллари бадий ижод тури сифатида жанрлар кўлами кенглиги ва бунда жамиятнинг ҳар бир қатламининг қизиқиши инобатга олинганлиги билан боғлиқдир. Яна бир омил эса, телевидение анъанавий санъатнинг барча турларини тарғиб этишидек трансляторлик функциясига бориб тақалади. Адабиёт, тасвирий санъат, театр, мусиқа тарғиботида телевидение энг қулай, ишончли транслятордир. Телевидение репродуктивлик функциясига кўра ҳар қандай санъат асари яратилиш жараёнини тўғридан-тўғри кўрсатиш имкониятига эга. Бунингдек имконият бошқа санъат турларида мавжуд эмас.

Теленазариётчи олим Владимир Сапак шундай деган эди: “Телевидение санъатни кундалик ҳаётга олиб кирди. Оддий одам, кундалик одатича уй кийимида телевизор қаршисида вақт ўтказди. Санъат мана шу лоқайд, бефарк,

бирмунча чарчаган томошабинни ёки ўз томонига тортиши, ё аксинча, ўзи унинг даражасига тушиши мумкин. Аммо ана шу иккинчи йўл тутилса, инсонга келтирилган ғоявий ва ахлоқий зарар учун ким тавон тўлайди?"[5.91] Олимнинг бу фикрлари ниҳоятда асосли бўлиши билан бирга бошқа санъатлар таъсирини ҳеч бир камситмаган ҳолда айнан телевизион санъатнинг кучи, қудратини акс эттиради. Бунингдек куч-қудрат телевизион санъат яратувчилар зиммасидаги улкан масъулият ҳамдир. Зеро телевидение - ҳар бир хонадонга кириб бориш имконияти билан бошқа санъатлардан устуворлик қилади. Барча аудиовизуал характердаги воситаларнинг конвергенцияси фақат телевидениеда акс этади. Бундан ташқари бошқа санъатлардан фарқли равишда телевидениеда диффузион жараёнлар амалга ошади.

Телевизион амалиётда фикрлашга, тафаккур тараққиётига хизмат қиладиган публицистик кўрсатувларнинг аҳамияти катта, имкониятлари кенгдир. Шўролар даврида телевидение адабиёт, театр, кино санъати сингари халқ фикрига мафкуравий босим ўтказиш функциясини ҳам бажарди. Телевидение объекти "ўртоқлар" дея ном берилган оломон эди. Қандай яшаш, нима қилиш, қай тариқа йўл тутишни ўргатувчи телевидение оломонни етаклади. Кишилар телевидениега ишондилар, унинг ғоялари билан шаклландилар. Шу тариқа хонадон тўридан жой олиб, жамиятнинг мафкуравий қуроли сифатида инсонлар онгини бошқариб келди.

Мустақилликнинг эпкин шамоллари бошланган саксонинчи йиллар охирларига келиб, жамият ҳаётидаги кескин бурилиш инсонлар руҳиятини ўзгартириб юборди. Янги жамият шаклланир экан, барча маданият ва санъат воситалари қатори телевидение ҳам мана шу жараённинг олдинги сафида бўлди. Ошкоралик, фикрлар плюралиزمи шакллани бориши Ўзбекистон телевидениесида ҳам публицистик руҳни кучайтирди. 80-йиллар охирларида эфирга узатилган "Нигоҳ", "Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен", "Ойна", "Фалакнинг гардиши", "Театр ва замон", "Экспресс камера", кейинчалик "Дил суҳбатлари", "Ҳайрат", "Ракурс", "Ўзлик" каби кўрсатувлар мамлакатда ҳур фикрлилик бошланганининг ўзига хос ифодаси бўлди. Жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий, маърифий муаммолари мазкур кўрсатувларда атрофлича очиб берилди. Телевидение турли фикрлар, эркин қарашлар учун ўзига хос майдон бўлди. Айни ўша дамларда мамлакат ҳукумати телевидение соҳаси тараққиётига хизмат қилувчи қарорлар қабул қилганлиги эса жамиятдаги янгиланишнинг ўзига хос ифодаси бўлди. Телемунаққид олим А.Каримов ёзганидек, "Ўзбекистон телевидениеси қисқа давр ичида аграр телевидениедан "маънавий телевидение" даражасига кўтарилди. Илгари қишлоқ хўжалиги устувор мавзулардан бири бўлса, кейинги даврда тарихнинг ўқилмаган саҳифалари, бозор иқтисодиёти, ўтиш даври, мулкчилик шакллари, тадбиркорлик, спорт,

халқаро масалалар, Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари етакчи мавзуларга айланди"[3.22].

2000 йилларга келиб, хориж телекўрсатувлари таъсирида мамлакатимиз телевидениесига ҳам жанрлар экспансияси бошланди. Телеэкранда ток-шоу, телешоу, телевикторина, телеўйин, телесериал, видеоклип, телемагазин сингари хорижий телевизион жанрлар кириб келди ва улардан андоза олишга ўтилди. Мазкур кўрсатувлар телеамалиёт тараққиётида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиш мумкин. Булар орасида телевидениенинг улкан имкониятини кўрсатувчи, ёзув техникаси тизимида туриб, томошабин иштирок эффеќтини сақлаб қолишда аҳамиятлилик касб этувчи ток-шоулар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Зеро, ток-шоу журналистика ва театр воситасини умумлаштириш хусусиятига эга бўлган телекўрсатув туридир.

Америка телевидениесига ўтган асрнинг 60-йилларида Фил Донахью томонидан асос солинган ток-шоу жанри кўп функцияли бўлиб, телеамалиётда ниҳоятда аҳамиятли эканлигини кўрсатган. Ток-шоу воситасида жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳаси, хусусан, ижтимоий-иќтисодий муаммолар, кундалик турмушнинг кенг кўламли катта-кичик масалаларини қамраб олиш имкони бор. Ҳар қандай санъат асарининг кучи инсоният онгига таъсир кўрсатиш, тафаккур саволларига жавоб излашда аҳамиятга молик бўлишини ҳисобга олганда, телесанъатнинг айнан мана шу жанридаги улкан шарт-шароитни кўрамыз.

Бошқа санъатлардан фарқли ўлароқ телевидение кишиларнинг ўзаро мулоқот қилиш имкониятини яратиш омилidir. Бу ерда нафаќат экран ва томошабин, балки ички томошабин сифатида иштирок этаётган турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг бир маслак йўлида ўзаро мулоқот ўрнатиш имкони мавжуд. Айнан ток-шоу - телевизион санъат орқали давр нафаси, жамият кайфияти, кишилардаги фикрлаш тарзини эмин-эркин ўрганиш воситаси ҳамдир. Зотан, хоҳи ижтимоий, хоҳи иќтисодий, хоҳи бадий-ижодий бўлсин муайян масалани кўпчилик фикри орқали муҳокама қилиш, оддий одамлар муносабатини кузатиш ва ўрганишдек афзаллик фақат телевидениеда мавжуд.

Ток-шоу имкониятларининг кенглиги теленазариётчи олимлар С.Муратов, А.Вартанов, И.Беляевлар тадқиқотларида бир қадар кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ток-шоу шуниси билан аҳамиятлики, унда нафаќат муайян мавзулар бўйича фикр кўзгатиш, балки айрим масалаларни биргаликда ечиш имкони юзага келади. Бу эса телевизион санъатнинг ўзига хос боғловчилик ролига ҳам муносибдир. Мазкур боғловчилик ҳукумат ва омма, жамият ва унинг аъзолари ўртасида кечишини назарда тутганда ушбу санъат турининг мисли кўрилмаган қудратини ҳис қилиш мумкин.

80-йиллар охирларида ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг Ўзбекистон телевидениесига ташкил этилган "Баҳс" кўрсатуви ана шундай эркин

мулоқотларни ўрнатишдаги дастлабки қадамлардан бўлган эди. Айниқса шу кўрсатувнинг “Товуснинг гўштини еса бўладими?”, “Номуснинг баҳоси қанча?” деб номланган мавзулари кейинчалик газета-журналларда ҳам мулоқот ва баҳслар ўрнатишга хизмат қилганлиги ёдимизда.

Агар кино ва театр санъати актёр воситасида “сўзласа”, телевизион санъат бу вазифани кенг омманинг ўзига топширади. Айтилаётган фикр ёки “сўзлаётган” мавзулар залвори эса телеижодкорлар маҳоратига боғлиқ. Ток-шоу олиб бораётган шоумен бир вақтнинг ўзида ҳам даврани бошқариб, ҳам биргаликдаги телеасарни яратишга масъул саналади. Баҳсларнинг боришида шоумен вазифаси катализаторликдан иборат бўлиб, қўйилаётган масала кўлами, долзарблиги, аҳамиятлилик даражасида унинг билим ва салоҳияти акс этади.

Бошловчининг журналист, шарҳловчи, репортер эмас, балки айнан шоумен бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Зеро, шоумен фаолияти ўз фикрини бошқалар орқали ифодалаш эмас, балки фикрлар плюралиزمи воситасида томошабинни ҳақиқатни англашга, масалалар моҳиятини очишга йўналтиришдан иборат. Яна бир муҳим жиҳат қўйилаётган масаланинг залворидадир. Ток-шоу аҳамияти ошишида студияга йиғилган ички томошабинлар фаоллиги катта ўрин тутади. Айнан улар томошанинг асосий иштирокчилари бўлиб, кузатувчилик фаолияти билан чекланмай, етакчилик ролини эгаллайдилар. Улар шоумендан кейинги ўринда турадиган ўзига хос муаллифлардир. Бунингдек фаолиятни йўлга қўйиш, аудиторияни билиш, унинг реакцияси ва кутилмаган бурилишларига тайёр туриш шоумен маҳоратига боғлиқ. Мазкур ижодий жараёнда томошабиннинг нафас олиши, юрак уриши бир хилда кечиб, санъат мўъжизасидан баҳраманд бўлишга имкон берадиган театр томошаси ёки концерт иштирокчиси бўлишдан кўра кўпроқ фаоллик юзага келади. Бунингдек интерфаолликни яратиш учун шоумен мазкур иштирокчиларнинг ўзига хос дирижёри бўлмоғи лозим. Ҳозирги телеамалиётда баъзан томошабинни шунчаки қарсақ чалишнинг ўзи билан банд қилиш ҳолати ҳам учраб турадики, бу улкан ижодкорлик воситасини ҳис қилмаслик, ток-шоу кучидан фойдалана олмасликдан бошқа нарса эмас.

Ток-шоунинг яна бир етакчи элементи экран олдида ўтирган томошабинлар бўлиб, зеро айнан мана шу аудитория учун кўрсатув ҳозирланади. Кўрсатувнинг мақсади ҳам мулоқот, баҳс, турлича тортишувлар ёрдамида томошабинлар аудиториясидаги фикр-қарашларни жонлантириш, уларни ўйлашга, мушоҳадага тортишдан иборат. Монолог ёки диалогга асосланган кўрсатувлардан фарқли ўлароқ айнан ток-шоуда полилоглар рўй бериб, муайян масалаларга бир вақтнинг ўзида кўпчиликнинг диққати қаратилади. Бир неча кишини ўйлантираётган масалалар ҳамманикига, бир одамнинг ташвиши бутун жамиятникига айланади. Зеро, фуқоролик жамиятини барпо этиш ҳам айнан мана шу бирлик, ҳамфикрлик, ҳамкорликдан бошланади.

Эндиликда телевидениенинг коммуникативлик функциясини тўғри йўлга қўйиш муҳим. Маънавият, маърифат, ҳуқуқ-тартибот, ўзликни англаш, муайян мақсад сари уюшишда телевизион коммуникативлик функциясининг дахлдорлик ўрни беқиёсдир. Бу эса кўрсатувлар характерида акс этиб, сценарий савияси, бошловчи маҳорати, мавзунинг долзарблик даражаси ва масаланинг жамиятдаги аҳамиятига боғлиқ. Кўрсатувни томошабинлар даврасида ёзиб олиниши шоумендан тартиб, режиссёр, телеоператор, овоз режиссёри каби ҳар бир ходимдан зийраклик, хушёрлик ва импровизация маҳоратини талаб этади.

Бугунги давр интеллектуал даражани оширадиган танловлар ташкил қилишни, ижтимоий амалиётга асосланган шоулар уюштиришни, мушоҳадага чорловчи чуқур фалсафий роликлар яратишни талаб этади. Ижтимоий амалиётга асосланган - реалити-шоулар ўз имкониятининг кенглиги билан эътиборлидир. Бунда ҳуқуқ-тартибот, қонунчиликка оид кишиларни қизиқтирган масалалар ўйин воситасида ноактёрлар ёрдамида тарғиб қилиниши мумкин. Мавзунинг кўлами, масаланинг долзарблик жиҳати, қолаверса иштирокчиларни танланиши муҳаррир ва бошловчи профессионаллигига боғлиқ. Бу борада эл таниган актёрлар эмас, балки нотаниш қиёфаларни қўллаш воқеликни ҳаққонийлик даражасига кўтаради, кўрсатув кўримлигини оширади. Бадиий тўқима ҳаётини воқеликка кўчади.

Телевидение - техника базасидаги сиёсат ва қудратли санъат тури. У эртадан-кечгача турли рекламалар, олди-қочдига қурилган сериалларни кўрсатиш воситаси эмас, балки яшаш жойи, ижтимоий аҳволи, ҳаёт тарзи, кундалик турмуши турлича бўлган бир жамият кишиларини муайян мақсадлар ва маслақлар теварагида ўзаро уюштирувчи, уларни ҳамфикр, ҳамкор қилишга амалий ёрдам берувчи улкан санъатдир.

Телевидениени давлат монополиясидан чиқазиш бўйича турли давлатларда олиб борилган ўзгаришларга мувофиқ равишда, мамлакатимизда ҳам мустақил телеканаллар иш бошлаган эди. Аммо телеканаллар ўртасидаги рақобат, рекламаларга тўлиқ кинофильм, телесериаллар бериш билан эмас, балки кўрсатувлар савияси билан ўлчанади. Муаллифлик кўрсатувлари, жонли эфирлар, продюссерлик тизимининг шаклланиши эндиги телевизион санъат тараққиёти учун муҳим. Телеканаллар билан муайян лойиҳалар доирасида шартномалар тузиб, иш кўрадиган мустақил продюссерлик институтлари шаклланиши мазкур санъатнинг янги қирраларини топиш имконини бериши мумкин.

Жонли эфир фақат ўтмиш эмас, балки келажак ҳамдир. Ўз навбатида жонли эфир телебошловчи, телережиссёр, телеоператорлар маҳорати ошишида муҳим восита. Шунингдек, телетомошабин салоҳиятини юксалишида, телеаудиторияни кенгайтишида ҳам аҳамиятга молик. Телевизион санъат ўзининг бадиий-эстетик

табиатига кўра юксак маданиятли жамият аъзоларини тўплайдиган, ўзаро баҳслар, муҳокамалар, мулоқотлар ўрнатиш воситаси бўлиб қолмоғи лозим. Бу эса давр талабидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Акбаров Х. Кино ва телевидение: креатив таълим жараёни. - Тошкент: Musiqa. 2012. - 220 б.
2. Барабаш Н. Телевидение и театр. Игры постмодерна. - М.: КомКнига, 2010. - 184 с.
3. Каримов А. Ўзбекистон телевидениеси - Мустақиллик йилларида. “Аудиовизуал журналистиканинг долзарб муаммолари” Илмий мақолалар тўплами. -Тошкент: “Илмий услубий марказ”, 2008. - 22 б.
4. Муҳамедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари. Дарслик. -Тошкент: ЎзДСИ, 2008. - 134 б.
5. Саппак В. Телевидение и мы. Изд. 3-е. - М.: Искусство, 1988. - 167 с.
6. Саруханов В. Азбука телевидения. Учеб. пособие для вузов - СПб.: Всемирное слово, 2005. - 478 с.